

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати тизимини янада
такомиллаштириш

тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019-йил 27-июндаги ПҚ-4366-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 26-октябрдаги 01-07/1-2195-сон йиғилиш баёни ижросини таъминлаш, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва фуқаролар ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, жамоатчиликка ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 22, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилоятидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг оммавий ахборот

воситалари билан ҳамкорлик ва аҳолини хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти етарли даражада ташкил этилмаганлиги эътироф этилсин.

2. Қуйидагилар:

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида 7 та ва туман (шаҳар) ҳокимликларида 3 та ходимлардан иборат матбуот хизмати фаолияти 1- ва 2-иловаларга мувофиқ ташкил этилсин;

ички имкониятлар етарли бўлмаган ҳолатларда, ахборот хизматлари учун керакли мутахассислар шартнома асосида жалб этилсин;

матбуот хизмати ходимларига вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари

ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилсин.

3. Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Ф.Менглиев) бир ҳафта муддатда:

вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматини журналистика ва ахборот-технологиялари соҳасида етук билим ва тажрибага эга бўлган кадрлар билан тўлдирсин;

Ахборот хизмати ходимларининг вазифалар тақсимотини ишлаб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019-йил 27-июндаги ПҚ-4366-сон қарорига асосан вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг ахборот хизматлари раҳбарлари:

бир вақтнинг ўзида тегишли ҳокимнинг Матбуот котиби ҳисобланиб, ахборот сиёсати масалалари бўйича ҳокимнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра ҳоким ўринбосарига тенглаштирилиши;

тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари хулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланиши;

ҳар уч йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида аттестациядан ўтиши белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

5. Қуйидагилар вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари Ахборот хизматининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳокимлик фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, ҳокимликнинг расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳокимлик ҳақида ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида тегишли ҳокимларнинг чиқишларини ташкил этиш;

танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида тегишли ҳокимлик фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

ҳокимлик тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида тегишли ҳокимлик раҳбариятига ахборот бериб бориш;

ҳокимлик фаолиятига алоқадор матнли, фото, аудио ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

6. Вилоят Молия бош бошқармаси (Ж.Нормуминов) ҳокимлик ахборот хизматига

шартнома асосида жалб этиладиган мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар ажратиш чорасини кўрсин.

7. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ахборот хизматига шартнома асосида жалб этиладиган

мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар учун тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар ажратиш тавсия этилсин.

8. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (И.Умматов)га:

вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати ходимларининг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш;

ахборот хизматларини замонавий моддий-техника воситалари, телевизор, фото ва видео ёзиб олиш воситалари, зарур дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиш топширилсин.

9. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ҳисобот киритиб борилсин.
10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклатилсин.
11. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси

Чориев А. Р.